

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

## ЎЗБЕК КУРАШИ — КУРАШЛАРНИНГ ОТАСИДИР

**-Комил Турсунович, 2000 йил юртбошимиз томонидан "Соғлом авлод йили" деб аталди. Ўзбек курашининг "Соғлом авлод" тарбиясидаги ўрни ҳақида нималар дея оласиз?**

-Мухтарам Президентимиз айтганларидек, ҳақиқатан ҳам ўзбек курашида халқимизнинг руҳиятига, асл хислатларига азал-азалдан хос бўлган фазилатлар: мардлик, жасурлик, бағрикенглик, рақибига нисбатан олижаноблик, ҳалоллик, инсонпарварлик фалсафаси мужассамлашган. Бугун буюк аждодларимиз руҳини шод этиб, халқимизнинг миллий ғурурига айланиб қолган ўзбек курашининг жаҳон майдонига чиқиши, тан олиниши барчамизни бағоят қувонтирди. Юртимизда кундан-кунга равнақ топиб бораётган "Соғлом авлод" учун халқ ҳаракати ҳам шундай тарихий тажрибаларни ўзида жамлагани аён. Ўзбек курашининг нозик усулларини миридан-сиригача эгаллаган баҳодирлар Ўзбекистон довругини бутун оламга ёйишлари, "Соғлом авлод" учун халқ ҳаракатининг самараларини намоён этишлари ҳаммиша ишончим комил.

**-Ўзбек кураши қонун-қоидалари ва либосининг муаллифи сифатида бошқа миллат вакиллари ўзбеккона кураш атамаларини айтганда юрагингизда қандай хислар кечади?**

-Ҳақиқатан ҳам, ўзбек курашини жаҳонга танитиш учун халқаро талабларга жавоб берадиган қонун-қоидалар ва кийимлар ишлаб чиқишнинг ҳаётнинг ўзи тақозо этди. Бу албатта, осон кечмади. Лекин, ҳозирги кунда Халқаро Кураш қоидалари тарзида жаҳоннинг 5 қитъасидаги 70 дан зиёд мамлакатларда "Ҳалол", "Ёнбош", "Чала", "Даки", "Танбех", "Гирром" каби ўзбеккона сўзларнинг кўпгина миллат вакиллари томонидан баралла янграши, байроғимиз рамзи акс этган кураш кийимларимиз, чет эллик нуфузли мутахассисларни лол қолдириши дилларимизга ғурур бағишлайди. Авлод-аждодларимиз минг йиллар орзу қилиб, эриша олмаган, ўзбек курашининг жаҳонга юз тутишида бош-қош бўлган мухтарам юртбошимизга чуқур миннатдорчилигимни изҳор қилгим келади.

Шу ўринда қисқача бир изоҳ. Биз суҳбат давомида Комил Юсуповни вояга етказган оила би-



Ўзбекистон халқаро "Кураш" ассоциацияси президенти Комил ЮСУПОВ оиласи гаврасига суҳбат.

лан қизиққаннимизда, уларнинг Бухоро вилояти Қорақўл туманининг энг чекка бир қишлоғида униб-ўсганини билдик. 9 фарзандни оқ ювиб, оқ тараган, уларнинг ҳаммасини ўқимишли ва спортчи қилиб тарбиялаб, 1980-йилларда бутун жаҳонда "ягона спортчилар оиласи" деб донг таратган Турсун Бобо ва Гуласар бибилар ҳаёти билан танишдик. Бугунги кунда улар марҳум. Аммо, уларни нуридийдаларининг барчаси халқ учун хизматда. Етти ўғилнинг ҳаммаси спорт усталари, қолаверса, барчасининг ўз севимли ихтисосликлари бор. Оиланинг энг катта ўғли Назиркул Турсунов (ҳозирда марҳум)-тарихчи, кейингиси Жўракул Турсунов-биология фанлари доктори, профессор, Нурмуҳаммад ака-Қорақўл тумани касабаси уюшмаси бошлиғи,

Шермуҳаммад Юсупов - ўрмон хўжалиги соҳасида, Музаффар Юсупов - божхона бошқармасида, Норкул Юсупов - қўшма қорхона раҳбари сифатида фаолият кўрсатишади. Оиладаги икки қизнинг бири ўқитувчи, бири эса ҳамшира бўлиб ишлашади. Спорт ва илмни ўзинга дўст билган оиланинг кўнглимда ҳавас уйғонди...

Мен хонадон бекаси Сайёра опани суҳбатга тортидим.

**-Турмуш ўртоғингиз спорт ишларидан ортиб, фарзандларингиз тарбиясига қандай эътибор берадилар?**

-Биз Комил акам билан оилада тўрт фарзандни вояга етказаямиз. Фарзандларимизнинг соғлом, жисмонан етук бўлиб ўсишлари учун интиламыз. Улар ҳар куни ишдан қайт-

гач, фарзандларимнинг ҳар бирига алоҳида вақт ажратадилар, қилган ишлари билан қизиқадилар. Зарнигор қизимиз кураш тушишни яхши кўради, ярим соат албатта, унга турли хил машқларни ўргатадилар...

Юсуповлар хонадонидан кўнглим нурга тўлиб қайтдим. Чинданам оила - бу жамиятнинг ўзагидир. Қачонки оила соғлом бўлса, жамият ҳам соғлом бўлади. Илойим, жамиятимизда соғлом, баркамол, ибратли оилалар кўпаяверсин...

Суҳбатдош: **Фарида  
ТОҲИРОВА**



# ОЙЛА — КОМИЛ ИНСОН БЕШИГИ

Яқинда мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайдиган бир ўртоғим билан суҳбатлашиб қолдик. Гап айланиб оилада болаларнинг маънавий тарбиясига бориб тақалди. Шунда ўртоғим куйиниб гапириб берганди:

- Мен раҳбарлик қилаётган синфда бир бола ўқийди. Негадир уни кундан кунга ўзлаштириши сусайиб кетаверди. Мен боладан: "Сенга нима бўлди, ўтган йили туппа-тўзук ўқирдинг-ку", - деб сўрадим. Шунда ўқувчим: "Бу йил китобим йўқ", - деб қолди. Мен унинг онасини мактабга чақирдим. Онасига ўқувчимнинг дарс тайёрламай келаётганини, баъзи бир китоблари йўқлигини айтдим. Она эса: "Энди ҳозирги шароитни ўзингиз ҳам кўриб турибсиз, 3 та болам мактабда ўқийди, қайси бирига китоб олиб беришни ҳам билмайсан киши..." - деди. Мен унга: "Кечирасизу, бўйинғиздаги занжирингиз ҳозирги нархда неча пул туради", - дея сўрадим. Ўқувчимнинг онаси менга ажабланиб қаради ва нима демоқчилигимни дарҳол тушунди. "Бу билан занжирингизни сотинг, демоқчимисиз? Энди арзимаган битта, иккита китобни деб, занжирини сотмайман-ку", - ҳақ эканлигига ҳеч шубҳа қилмай жавоб берди, она.

- Наҳотки китоб, болангизнинг билми олиши, эртага қандай инсон бўлиши арзиманг нарсаю, сизнинг занжир тақшингиз шарт бўлса, - сўрадим ундан. Биз узоқ суҳбатлашдик. Хуллас, аёл қайдан бўлса ҳам пул топиб олсининг ҳамма китобларини олиб беришга ваъда бериб чиқиб кетди.

Юртимизда бой бадавлат, ўзига тўқ оилалар жуда кўп, илоё кўпайишини. Ва албатта улар ўз сармояларига данғиллатиб уйлар қурадилар, хорижий мебеллар билан яса-тадилар, кўша-кўша машиналар со-

тиб оладилар, неча-неча марта даранг-дурунг тўйлар ўтказадилар. Аммо... ана шу бойваччаларнинг кўпчилигининг хонадонларида бирон бир бадий китобнинг йўқлигини кузатганмисиз? Уларнинг китоб сотиб олиши учун маблағлари етарли, истасалар бутун уйлари китобларга тўлдиришлари мумкин, аммо улар бу нарсани шарт эмас, деб ўйлайдилар. Мана фожеа

тилла тақинчоқларга эга бўлиш ёки ҳаммаша энг сўнги урфда кийиниб бўладиган бўлса ва у (оиланинг моддий имкониятидан қатъий назар) бу истакларини амалга оширишни биринчи даражага қўйса, бундай оилалардан "соғлом" фарзанд етилиб чиқиши даргумондир.

Мен шундай бир аёлни биламан. Учрашиб қолсангиз бас, салом-алиқдан кейин дарров тилладан гап очади (Бўйнида кўша-кўша занжир, бармоқларига қатор-қатор узуклар тақадди). Бир кун у "1

- \* Наҳотки тилла занжир китобдан устун бўлса?
- \* Майли, бой оилалар кўпайсин, лекин...
- \* Нима муҳим — тўрт фарзанд соғлиғими ё бир банкани олтинга тўлдиришимиз?
- \* Бойлик бизнинг қулимизга айлансин.

қаерда... Мен яна бир шундай оилани биламан. Ота бўлмиш бозордан машина олиб, машина сотади, кунда чойхона, гапдан бўшамайди. Она ҳам каллаи сахардан то шомгача бозорда, пул топиш билан овора. Аммо болалар кун билан кўчада дайдиб юриди. Улар билан (ҳатто уч йиллаб бир синфда қолдирилиши билан) ҳеч кимнинг — на ота, на онанинг иши йўқ. Болалар хоҳлаган ишларини қилишлари ҳам мумкин... Боланинг вақтини беҳуда ўтказиб, санқиб юрмаслиги учун, турли-туман тўғаракларга қатнаштириш учун, ота-онанинг бемалол моддий имконияти етади-ку, нега улар бу ҳақда ўйламайдилар, аниқроғи ўйлашни истамайдилар. Бундай оилалардан соғлом болалар кунда шомолга қарши туфлаш билан баробар эмасми?

Мен оилада соғлом муҳит яратишда, фарзандлар камолида онанинг - аёлнинг ўрнини алоҳида таъкидлашни истар эдим. Агар аёлнинг дарди фикри, орзу умидлари бас деганча

литрлик банка"да тилла йиғайтганини гапириб қолди. Мен унга: "Қандай қилиб йиға оласиз, эрингиз машинада кира қилиб юрса, ўзингиз ишласангиз, бунинг устига тўртта фарзандингиз бўлса", - деб сўрадим. Шунда у: "Ҳар кун эрталаб эримдан рўзгорда у йўқ, бу йўқ, болаларни ҳўл меваси йўқ, деб пул олиб қоламанди, наридан бери рўзгор қилиб, қолганини яшириб, йиғаман, кейин тилла олволаман", - деса бўладими. Шундагина мөн унинг болаларининг ранглири бир ҳолатда юришини, бўйларни тенгдошларига нисбатан анча паст бўлиб ўсаётганини сабабини аналгандай бўлдим. Ва болаларининг ризку насибаси ҳисобига тилла йиғайтган, "тилланинг қулига" айланган бу аёлдан жуда нафратланиб кетдим...

...Хўп майли, эртага бир кун келиб ўша аёлнинг "банка"си тўлар, аммо банкани тўлиши ҳисобига нимжон, руҳий ночор бўлиб балогагта етган болалардан на онага, на жамиятга заррача наф тегармикан. Ёки у ўз тиллалари билан боланинг маънавий дунёсини

тўлдирди олармикан. Ўтган йили республикамизнинг кўпгина вилоятларида "Соғ танда соғлом ақл" шiori остида мактабнинг 1-синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган тиббий-педагогик кўрик маълумотларига қараганда, болаларнинг бир қисми камқон деб топилган. Демак, миллат болаларининг бир қисми камқон, нимжон. Ким айбдор. Ўйлаб қолсан киши...

Қиссадан ҳисса чиқариб, сўнги сўз ўрнида шунга айтишимиз мумкинки, бугун биз ота-оналар гафлатда қолмай атроф-оламга тўйрақроқ кўз билан назар ташлаб, ўзимизни ўзимиз қайта тарбияламоғимиз лозим кўринади. Бугун биз муҳимдан номуҳимни ажратиб олмоғимиз, кўнглимизда бош кўтаргучи носоғлом тасаввур, носоғлом онг, носоғлом фикрдан қочишимиз, қалбимизни покламоғимиз керак бўлади.

Ва яна биз бугун ҳамма нарсани унутиб, бойлик кетидан қувиб, унинг "қули"га айланиб қолиш эмас, балки бойлик бизнинг қулимизга айланишига эришмоғимиз лозим бўлади. Яъни ўша бор бойлик, бор имкониятимизни бугун биринчи навбатда болаларимизнинг саломатлиги, маънавий салоҳияти учун сарфлашимиз лозимлигини унутмайликки, зеро, эртага кеч бўлмасин. Бутун дунё рухшунос олимларининг хулосаларига кўра болалар атроф-олам ҳақидаги асосий тушунча ва тасаввурни 17-18 ёшга қадар қабул қилиб олишар экан, умрининг қолган қисмида эса фақатгина ўша тасаввурларини тўлдириб, мукаммаллаштириб борар эканлар. Чунки эртага бизга мустақил юрт равнақи учун ота-онасининг бойлиги билан қериладиган гўяк болалар эмас, юксак салоҳиятли, билимли, онгли, саломат авлод керак бўлади. Фақат ана шундай муносиб авлодгина эртага халқини юқори кўтариши, юрт сўраши мумкин бўлади.

Нафиса АННАЕВА

## СЎФИЁНЛИК ТАДБИРКОРЛИК ДАВР ТАЛАБИ ХУНАРМАНД ҚИЗЛАР

"Сўфиёнкаларнинг етти яшаридан етмиш яшаригача бариси хунарманд," - дейди шу маҳалла етакчиси Роҳат ая Аҳмедова.

Роҳат аянинг айтишича, Ургут шаҳрининг Сўфиён маҳалласидаги қизлар тиккан майдақақиқ тўнлар, чамандагу дўппилар, чимчимансуха куёвбелбоғлар ва кўзни олар сўзаналар Ургут бозорларида талаш эмиш...

**Саодат САЛОМОВА (18 ёшда):**

- Мен тўн тикишни янгам Гулбарг Хусайновадан ўрганиб олганман. Ҳозир синглим Озода икковимиз ҳар ойда 6 донагача тўн тикиб қавиймиз.

**- Битта тўн бозорда қанчага баҳоланади?**

- Яши тикилгани 13-15 минг сўмдан ошикроққа сотилади. Умумий даромаддан тўн учун ишлатилган мато ва ипнинг нархини чегириб ташлаймиз, қолгани ўзимизга. Мен баъзида вақт орттириб жияк (қоқма) ҳам тикаман. Ҳар битта жиякни 400-500 сўмгача пуллаймиз. Ювганда ранги айнамайдиган ипақда тикаётганимиз учун харидорлар ҳеч оғринмасдан олишади...

**Райҳон РАҲИМОВА:**

- Момомдан куёв белбоғини тикишни ўрганганман. Бу хунар четдан қараганда осон кўринади, лекин аслида ундай эмас. Битта бел-

боғни икки кун ичида қўлдан чиқараман. Кечкурунлари жияк ҳам тикаман. Маҳалламиз қизлари — Гулноза, Гулимира, Гулчеҳра, Дилдоралар дарсдан бўш вақтларида ёнимга келишади. Уларга устозлик қилаяпман.

**- Бир ойда қанча даромад қиласиз?**

- Кувёвлар белбоғи бозорда уч минг сўмга баҳоланади. Шойи ва ипақни ўзимиз сотиб оламиз. Умуман, ойлик даромадимиз яхши...

**Дилдора САМАТОВА:**

- Биз қўйлак тикадиган чеварлардан турли-туман лахтақларни оламиз, сўнг бу лахтақларни қуроқлаймиз. Азал-азалдан биз томонларда келин-куёв кирган чимилдик ичига қуроқ қурпача ва қуроқ дастурхон ёзилди. Икки ёш доимо бир-бирига бирикиб, аҳилу-иноқ яшашсин дея ирим қилинади.

**- Дилдорахон, Ургут сўзаналарининг доврғи узокларга етган. Сўзана ҳам тикасизларми?**

- Албатта. Сўзанани уч-тўрт қиз ўртага олиб, ҳашар йўли билан тикамиз. "Давранусха" сўзанамиз "Ургут каштаси" деб ардоқланади, чунки у бошқа жойларда тикилмайди. Бу сўзана шунчалик чидамлики, келинчак уни мерос сифатида аввал қизига, кейинчалик набираларига ҳам туффа этиши мумкин! Шу жиҳатдан қараганда, битта сўзана 40-60 йилдан кўпроқ вақт ичида ҳам янглигича тураверади.

**- Дўппи тикадиган қизлар ҳам борми орангизда?**

**Нилуфар ЛАТИПОВА:**

- Дўппиларимиз ҳам сўзанамиз каби жуда машҳур. Ранго-ранг зарли ипларда бежирим қилиб тикилган дўппи гуллари қуёш билан нур талашади. Келинчакларимиз уни кийиб куёвларнинг кўзларини ёндирадидилар. Аслида дўппи тикиш унчалик осон юмуш эмас. Шу учун ҳам кўп вақтни олади, диққату эътиборни талаб этади. Мен дўппи тикиш сирларини кунт билан ўрганапман. Ҳозирча тикканларимни сингилларим, опаларим ва дугоналаримга совға қилаяпман. Чинакам харидор-дўппини тикишга бугун-эрта киришмоқчиман. Шундай дўппини тика олишимга ишонаман...

"Хунарманлик ҳиссиёт орқали ақлни, ақл орқали эса ҳиссиётни тарбиялаш воситасидир" деган донолардан бири. Момоларимиз хунари асрлар оша яшаб, аёл зотининг нималарга қодир эканини, кўнглидаги кашталарга кўчира олиши мумкинлигини эътироф этади. Аждодлари санъатини давом эттириб хонадонга қут-барақа олиб қираётган хунарманд қизларнинг бармоқлари асло толмасин, деймиз.Негаки, ана шу бармоқлар меҳнати туфайли ўзбек қизларининг сеҳрли қалби акс этган каштали буюмлар ҳали дунё бозорларида юртимиз шўҳратини янада оширмоғи шубҳасиз.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА

## ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР ВА СУБАТЛАР

• Иккинчи қақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида Юртбошимизнинг "Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард максадамиз" деб номланган маълумотида жойларда атрофчи ўқиб-ўрганилмоқда.

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси "Соғлом авлод" давлат дастури тўғрисида Қарор қабул қилди.

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сиёсий соҳада ислохотларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш масалаларига бағишланган дастлабки "давра суҳбати" бўлиб ўтди.

• Шу йилнинг 17 февралда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ж.Преселга Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг АҚШ мудофаа вазири Уильям Коэзга ўзбек-америка муносабатларининг ҳарбий техника соҳасида, шу жумладан, "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастури доирасида ривожланиши ва мустақамланишини кўллаб-қувватлагани учун миннатдорчилик изхор этилган мактубини топширди.

• 19-20 феврал кунлари пойтахтимиздаги "Юнусобод" спорт мажмуида юнон-рум кураши бўйича "Мустақиллик кубоғи" халқаро турнири ўтказилди. "Мустақиллик кубоғи" эндиликда Олимпиада ўйинларига саралаш ўтказиладиган бешта нуфузли турнир қаторига кирди. Ана шу бешта халқаро мусобақада энг катта балл тўплаган спортчилар Сиднейга йўл олишади. "Мустақиллик кубоғи"да дунёнинг 42 давлатидан ташриф буюрган энг танили полвонлар 8 вазн тоифасида голиблик учун баҳс бойладилар. Унда мамлакатимиз вакиллари ҳам муваффақиятли қатнашди. Олимпиада ва жаҳон чемпионлари гиламга чиққан мусобақада 3 нафар полвонимиз ярим финалга йўл олишди.



Кишнинг совуқ кунлари чекиниб, ёқимли, ҳароратли баҳор яқинлашяпти. Куртаклари бўртиб қолган гилос ва ўрикларга хавотир билан қараб қўяман: илоҳим бемаврид қаттиқ совуқ туриб, меваларни қақшатиб кетмасин. Ҳа, дарахт учларидаги неъматдан айрилиб қолмаслик учун, хавотир билан осмонга боқаман. Ҳолбуки, менинг боғимда мева пишмаган тақдирда ҳам, ўзга боғларда етишиши мумкин. Аммо барча одамларга бирдек зарур бўлган, ҳаётимиз моҳиятини белгилаб берадиган улуг неъмат-барқорор тинчлик ҳақида ҳам шундай хавотирга тушармизми? Юрагимизни лоқайдлик лоқайси қоплаб олмаганими?

Яқинда мана шундай саволларга жавоб бериш учун маҳалламизда қариялар ва ёшлар иштирокида давра йиғилиши ўтказдик. Аввалига барча чиройли сўзлар билан Ватан ҳақида, унинг муқаддаслиги ҳақида чиқишлар бўлди. Шунда отахонлардан бири маҳаллада варақа тарқатувчиларни ушлаб олмаганидан ўқинди. Афсуслар бўлсинки, йигитчани таний олмабди.

Узоқдан келган бўлса керак. Ушбу ҳодисада мени қувонтирган ҳол шуки варақа тарқатувчи қочинишга мажбур бўлган. Маҳалла аҳли ундай йигитчаларни билагидан ушлаб танбех беришга, тушунтиришга, керак бўлса бошлаб таъзирини бериб қўйишга тайёр. Демак, ёшу қари оғоҳ. Хурматли Президентимиз: "Мен учун Ватан озодлиги, халқимнинг омонлиги, юртимнинг равнақи мана шу муқаддас заминимизда яшайдиган ҳар бир оиланинг фаровонлигидан бошқа саодат йўқ", - деганларида ҳар биримизнинг диллимиздаги истак, иродани фодолаган эдилар. Ҳақиқатан кейинги пайтда оғоҳлигимиз ортди ва бу оғоҳликни ёшларимизда кўришни истаймиз. Сабабим, бемаврид есанг совуқ шамол боғдаги ёш ниҳолни қорайтириб кетади. Агар ёшларимиз атрофларидаги "йўл кўрсатувчи"ларга зайракроқ

боқсалар, дўст ким-у, душман ким эканлигини ўзлари англаб етсалар Ватан равнақи йўлида олиб бораётган ишларимиз самаралироқ бўлар эди. Бунинг учун энг аввал ёшларимизни теран фикрлашга ўргатайлик, ҳар бир ҳодисанинг сабаби ва моҳиятини англашга ўргатайлик. Ёшларимиз шунда ўзларининг ҳимоя қобилиятини кичик кичик бурилиш, тўғри йўлимиздаги кичик бир оғиш ҳам вақти келиб катта хатога, кечириб бўлмас янглишишга сабаб бўлади. Чунки майда жиноятга қўл урган, иродасизлик қилган инсон оиласига хиёнат қилади. Сўнгра муқаддас Ватанига ва уни тарбиялаб вояга етказётган Миллатига хиёнат қилади.

Бизларнинг кўнглимиз оқ, кўнглимиз очик, Барчага қулоқ солиб ҳамдард бўлишга тайёримиз. Бироқ оқ рангда губор кўзга яққол ташланганидек, кўнглимизни хира қилмоқчи бўлганларга ҳам бефарқ қараб туролмаймиз.

Узоқдаги нотинчликка бир илинж билан қулоқ солаётган, ўзгаларнинг

нозара қилишга қақирадилар. Зотан, баҳса насиҳатларнинг моҳияти, йўл-йўриқларнинг оқибати юзага чиқади. Шундай экан фарзандларимизни фикрларини ўртага ташлагач, уни баҳс орқали ҳимоя қилишга ёнқи ноҳақ бўлганларида суҳбатдошни тан олишга ўргатайлик. Хар қандай гапга индамай қулоқ солиб турадиган вақтлар ўтди. Энди баҳс орқали ўзлигини англаш ва англашти имкони берилди. Баҳс дунёқарашимизнинг чекланиб қолишидан сақлаб, ғўр, билимсиз бўлиб қолишдан эҳтиёт қилади.

Бугун дам олиш куни бўлганлигидан маҳалламизда қатор хонадонларда суҳбатда бўлдим ва шу хонадонлардаги ўқилаётган китоб ва рўномалар билан яқиндан танидим. Афсуслар бўлсинки,

- \* Хар бир ҳодисанинг сабаб-моҳиятини англайлик.
- \* Кўнглимиз оқ, кўнглимиз очик, лекин...
- \* Фарзандларни ҳимоя этмоқ-энг долзарб вазифамиз, бурчимиз.
- \* Хар қандай гапга индамаслик вақти ўтди.
- \* Билимсизлик эгри йўлга бошлайди.
- \* Қайта ва қайта хушёр бўлайлик.

келишини англамоқчи бўлдим. Менинг назаримда китобга бўлган ҳурмат фарзандимизни оиллага, Ватанга ҳурмат билан қарашга ўргатади. Зотан чиққан танани дард енголмаганидек, билимли инсонни ҳам турли йўлга оғдириш мумкин эмас. Оталаримиз жонларини хавфга қўйиб бўлса-да, қатор китобларни баъзан ер остига, баъзан сув остида сақлаб бизларга етказдилар. Биз ҳам оталаримиздаги китобга бўлган меҳрумуҳаббатни англаб етсак, ўзимизга сингдира олсак, шундагина кўнглимиз каби очик эшикларимиздан биронта варақани ташлаб кетувчи бўлмайди.

Хар янги куннинг тонги отанда Президентимизнинг: "Бизнинг тарғибот-ташвиқот ишларимиз кўпинча тор доираларда қолиб кетаяпти, ҳаётнинг кенг қатламларига кириб бормоляпти", - деган оғоҳлантиришлари қулоғим остида жарағлайди. Кеч-гача қиладиган ишмини шунга қараб чамалаб қўяман. Бу оғоҳлантириш мени қайта ва қайта хушёрликка чиқаради.

Ҳамдам ТҮЙЧИЕВ,  
олий тоифали ўқитувчи

# ОГОҲЛИКНИ ҚЎЛДАН БЕРМАЙЛИК

нотинчлигидан шахсий манфаат излаётган кимсалар орамизда юриб кўнгишларга гулгула солмоқчи бўладилар. Ҳолбуки, барча урушлари, барча низолардан халқ жафо кўради, халқ азият чекади. Шу сабаб кўнгишларни хира қилувчи, кўнгишларга гулгула солгучилардан ҳаммиша оғоҳ бўлиб, энг аввал фарзандларимизни ҳимоя этмоқлик бу кунги энг долзарб вазифамиз, ота-оналик бурчимиздир. Навбатдаги йиғилишлардан бири-ди Президентимиз барчани баҳсга, му-

қатор оилаларда китоб ўқишга вақт топа олмай турмуш ташвишларини рўқач қилинган бўлса, баъзи оилаларда янги нашрдаги китобларни учратмадим. Айтинчи, шундай оилада вояга етаётган фарзандлар баҳс қилишга қодир бўладиларми? Бугунги бозор иқтисодини баҳона қилиб рўнома ва жарида ўқишга пулни сарфлашдан қочган ота-онанинг фарзанди, эртага билимсизлиги туфайли эгри кўчага кириб кетгач, уни тўғри-лаш учун қанча маблағ сарфлашга тўғри

## СОҒЛОМ АВЛОД ЙИЛИ МАСЪУЛИЯТИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасида нодавлат, нотижорат аёллар ташкилотларининг 1999 йилдаги фаолияти ва жорий йилдаги режаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Бosh вазир ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Д. Фуломова бошқарган ушбу йиғилишда

### ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР КЎМИТАСИДА

мамлакатимиз раҳбари Ислоҳ Каримовнинг иккинчи қақриқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида сўзлаган маърузаси ва шу асосда республика хотин-қизлар кўмитаси томонидан нодавлат ва нотижорат аёллар ташкилотларига иқтисодий, сиёсий, ижтимоий масалаларни ҳал этишда кўмаклашиш, уларнинг мақенини янада ошириш, ўз хусусий кичик ёки ўрта бизнесини ташкил этишини қўллаб-қувватлаш масалалари хусусида фикр алмашилди.

Республика Хотин-қизлар кўмитаси раёсатининг навбатдаги йиғилишини Бош вазир ўринбосари, республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Д. Фуломова бошқарди. Ушбу йиғилишда Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг Олий Мажлис иккинчи қақриқ биринчи сессиясида сўзлаган нутқида ўртага қўйилган вазифалар асосида оналик ва болаликни ҳимоялашни янада кучайтириш, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этишини таъминлаш масалалари муҳокама этилди.

Йиғилишда тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш, шу асосда хотин-қизларни иш билан таъминлашни яхшилаш, хотин-қизлар кўмиталарининг бу борадаги фаолиятини ошириш зарурлиги таъкидланди. "Соғлом авлод йили"да хотин-қизлар кўмиталарининг вазифалари белгиланди.

## ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ



Номларини эслаб, фахрлансак, ўрнак олсак арзийдиган не-не ўтмишдошларимиз бор. Масалан, Муқаррамахоним Турғунбоева! "Тановор" рақсига, миллий рақс санъатига ҳайқал қўйган Муқаррамахоним! Ўзбек халқининг суюкли, талантли кизи эди у. Рақсларни ўзи ижод этиб, яна унга ўзи жон бағишлар ва томошабинни буткул сеҳрлаб оларди. У сахнага чиқса атроф жозибага тўларди, одамлар кўзида ўтли шуъла пайдо бўларди ва томошабин сахна томон интилиб, ўзини унутиб қўярди. Дардини унутарди. Кейин эса қарсак чалаверганидан кафти лов-лов ёнарди. Қалби завқ-шавққа тўлиб кетарди. Ана шундай эди Муқаррамахоним!

Фарғона деб аталмиш сўлим дийрда туғилиб камолга етган Муқаррамахонимнинг сарв қаддига оқ шохи қўйлак, йўл-йўл беқасам камзул жуда-жуда ярашарди. Ироқи дўппи кийса ҳатто эллик, олтими ёшларда ҳам келинларга ўхшаб кетарди. Тўлин ой-дек юзи-ю қалам қошлари, қулиб тур-

ган хумор кўзларидан ниғоҳ узиш қийин эди. У кириб борган давралар файзга тўлиб қадамига поёндозлар ёғилиб, хурмат-эҳтиромлар ёғиларди...

У ўзи ташкил этиб, ўзи тарбиялаб камолга етказган "Баҳор" ансамбли рақсчилари билан дунёнинг ярмини айланиб чиқди ва ўзбек санъатининг, ўзбек қизларининг хусну малохатини оламга кўз-кўз қилди, олқишлар олди. Унутилмас таассуротлар қолдирди.

Хар қандай буюклик инсонийлик, поклик эвазига яратилади. Ҳа, Муқаррамахоним аввало инсон эди. Яхшии бу ҳақда "Баҳорда" бир умр

### ХОТИРА-МУҚАДДАС

бирга ижод қилган шогирди, Ўзбекистон халқ артисти Хайрулла Лутфуллаевнинг ҳикоясини тингланг:

Армияда ёнма-ён хизмат қилган самарқандлик дўстим тўйига таклиф қилиб келди. "Тўйинг дам олиш кунимизга тўғри келаркан, насиб қилса, албатта бораман", - дедим. Дўстим хавотирланиб, тўйига бир ҳафта қолганда Тошкентга яна келди. "Бутун Самарқандга мактабни қўйдим, сени кутишпайти", - деди. Самолётга чипта олиб бериб, кейин кетди. Қарангки, Самарқандга учадиган куним Тошкентга Брежнев келди. Опа мени қақриб: "Кечкурун катталар қароргоҳида Брежнев шарафига концерт бўлади, сен ҳам рўйхатда борсан, юқоридан айтишди", - деди. Юрагим шувв этди. Рангим ўчди. Опа ҳолатимни сезиб, "Нима бўлди,

ўғлим?", - деб сўрадилар. Мен бор гапни айтиб, чиптани кўрсатдим. Ҳозир қўлимдан олиб, йиртиб ташлайдилар, деб турсам йўқ, опа мардик килдилар. "Боравер ўғлим, халқ сени қутаяпти. Брежневга бошқа ашулачи ҳам бўлаверарди", - дедилар. Кетдилар.

Энди Муқаррамахонимнинг яна бир садокатли шогирди, "Баҳор"нинг бадиий раҳбари, Ўзбекистон халқ артисти Маъмура Эргашеванинг сўзини тингланг:

"Мен борман-ми, йўқман-ми, "Баҳор" яшаши керак, Маъмура!", - дердилар опа, - "Баҳор"га юрагингни бергин, керак бўлса, "Баҳор"ни ҳимоя қил!", - деб тайинлардилар.

"Авалло юриш-туришда, муомалада, кийинишда ўрнак бўлинлар, қизларим. Ҳамманинг нозик сизларда бўлади, санъат жуда тези, кўзга яқин бўлади", - дердилар.

Яхшидан боғ қолади, деганлари шу-да. Муқаррамахонимдан ажойиб шогирдлар қолди. Ғузэл, дилбар рақслар қолди. "Баҳор" ансамбли қолди. "Тановор"ни эса ҳали ҳеч ким Муқаррамахонимдек ғузэл ва жозибали, дардли ижро этолганича йўқ, менинг назаримда. Ҳа, ҳақиқий истеъдоднинг умри узун бўлади. Демак, Муқаррамахонимнинг номи асрлар оша яшаб қолади. Унинг ўлмас рақсларини қойилмақом ижро эта оладиган яна ўнлаб Муқаррамахонимлар туғилади. "Баҳор" ансамбли эса тобора гуллаб яшнайверади...

Оллоҳ сизни раҳматига олган бўлсин, эй инсон!  
Санъат МАҲМУДОВА



Нуфузли йигинларнинг бирида Оила маркази, Соғлом деган жамғармаси, хотин-қизлар кенгашлари, маҳалла каби жамоат ташкилотлари саъй-ҳаракатлари билан Оила йилли, Аёллар йиллида етти мингдан зиёд оилани "жар ёқасидан қайтарилгани" ҳақида айтилди. Оила сабоқлари, соғлом муҳит яратишга тайёргарлик сабоқлари қанча эрта олиб борилса, самараси шунча катталиги ҳақида қайд этилди.

Дарҳақиқат, қадимдан қолган гап бор: "Қўярга келса - хотин ёмон, чиқарга келса - эр!" Иш судга етганда икки томоннинг яраси шу қадар чуқур бўладики, қай томонни тингласанг, ўша томон ҳақдек туюлаверди. Панду-насихатларнинг ҳеч бири қўймаслик керак.

Буни англаш учун албатта эр ҳам, хотин ҳам маълум савияда тарбияланган бўлиши керакдир. Оилага тайёрлаш деган гапни аксарият кишилар бир ёқлама тушунадилар ва тушунганларини келин ҳақидаги "Вой, бирам пазанда! Бирам оёқ-қўли чаққон!", куёв ҳақидаги "Бирам топагон!" баҳоларида ошқор қиладилар. Бу фазилатлар керакми? Албатта зарур!

"Дили-дилига тўғри келган" дейишди бахтли оила соҳиблари ҳақида. Балки "бир-бирининг дилини топяпти", дейиш тўғрироқдир?

Қайси бахтли оилани олманг, икки томон чуқур ўрганилса, шу бахтлилик асосида аввало яхши муносабат, яхши муросани ниш урдиргувчи олижаноблик,

гапирилади. "Аёл зотининг қирқта жони бор" деган ақида ҳам ҳаммага таниш. Ана шу нақлдаги "жон" сўзи бежиз эмасдек кўринади. Нега "Қирқта қўли бор" дейилмаган? Қўл-моддий нарса-да. Жон эса... Уни кўз билан кўриб, қўл билан тутиб бўлмайди. Аммо унинг қудратига ҳамма тан беради. Аёлда шундай қудратдан бир эмас - қирқта! У жонлар қардан руҳланиб, қай булоқлардан сув инади?!

**Қудратни қайдан олади? Кўп, жуда кўп ўйлайман...**

көчмоқлик сабоғини оила қурмасимиздан анча олдинроқ раҳматли онамдан олганим ҳам рост.

- Қиз монанд бир жойга борча, тинч бўлай деса ўзидаги-ю уйдаги энг яхши фазилатларни олиб қолиб, ёмонларини онасиникига ташлаб кетиши керак! - дердилар онаимам.

... Утган фасл кизингизни боласи билан қайтариб олиб келдингиз. Фақат бугина эмас, суяксиз тилнинг ихтиёрини ўзига бериб, қудаларингиз-у қувингиз шайнига ҳақоратларни ёғдирдингиз. Гўё мардум олдида уларга энг "халис" бахони сиз бердингиз-у, наздингизда улар бошини кўтаришмас қилиб эгиб қўйдингиз. Бошингиз-у қаддингиз қандай гурурли эди у

олиб берсин!

Сиз дедингиз:  
- Кораси ўчинс ўша эрингни! Олиб бера қолса бир жойи камайиб қолар эканми? Эртага стипендиянгни менга олиб келгин, бирга бозорга тушиб олиб бераман. Бир кун ўқидан қолсанг-қоларсан...

Бу сўзларингиз ҳали керагини топиб улгурмаган кизингиз қалбида "қўярга", "чиқарга" томон қўйилган биринчи қадам бўлган бўлса ажабмас...

Яна кўп шундай ҳодисалар бўлди, бўлаверди. Бирон марта демардингиз:

- Эрингники - ўзга давлат! Менинг унга аралашувага ҳуқуқим йўқ! Нима иш бўлса ўша уйингдагилар билан бамаслаҳат қилавер. Бахтингни маҳкам тут! Фаровонлик аста-секин!

Оқибатда икки фаслдан бери кунда ўлингиз билан бирга қайтган кизингизни ҳам ишга қузатасиз. Қуни билан унинг боласини олиб қоласиз-у унга илиқ сўзлаша мажолингиз келмайди. Гўё у берона. Хондоннингиз муҳити - портлаш муҳити...

Аламли ўртанган кўсингизга тош солинг, тоифадош!

Мен-ку, сизга ич-ичимдан ачинапман. Аммо худо ачинмаса, банданинг ачинганидан сизга не фойда? "Сингисининг эрдан чиқишига йўл қўйган опанинг қораси ўчин!" деган ҳадис худонинг қарғиши эмасми?

Ўртанган кўсингизга муз босинг-у ўйланг: кизингизнинг қайтишига асосий айбдор сиз эмасми? Хатони тузатиш ҳам фақат сизнинг қўлингизда. Қандай қилиб, дейсизки? Бир ўйлаб кўринг!

## ҚАНИЙДИ АЙРИЛИҚ СЎЗИ БЎЛМАСА...

Аёлнинг кўраётган бор ҳурмати, эъзозининг ярми аёллиги учун бўлса, ярми оналиги учундир. Бу ақидани, афсуски, "қўярга",



инсонпарварлик ётганига ишонч ҳосил қиласиз. Қарашлар бирлиги, қадриятлар бирлиги, маънавиятнинг устунлиги оилада аста секинлик, эҳтиётлик билан эр хотин муносабатида ҳам ҳар бирининг аввало ўзида мулоҳазалилик, босиқлик, меҳрибонлиқни тарбиялаб боришига ёрдам беради. Охир оқибатда садқот, муҳаббат, фидойижонлик уларнинг бир умрлик фазилатига айланади.

Кўп қузатганим бор: юқорида айтилган фазилатларни ўзлари учун бирламчи қилиб олганлар жуда тез "пазанда", "чаққон", "меҳрибон" сифатини ҳам юқтирадилар. Бу сифат аввало бир-бирига, атрофдагиларга яхшилиқ қилиш, жуфтга муҳаббатини ифода этишнинг бир воситаси бўлиб қолади.

Оиласиз на эркакнинг, на аёлнинг бахти тўлиқ бўлмайди, деганлар ҳақ эканига ҳаётда мисоллар бисёр. Кўпчилик бундай ҳулосага, афсуски, "қўярга", "чиқарга" жараёндан кейин келади. Улар билан сўзлашганда овозларидангина эмас, фикрларида ҳам алам, пушаймон, армон сезасиз. Аксарият қилган ҳулосалари шу: Ўша "чиқарга", "қўярга" келмасдан аввал бизроқ совиб: "Шу эр менга керакми?", "Шу хотин менга керакми?" деган саволни кўндаланг қўймаганларига афсус қиладилар. Бу ҳаётнинг асосий саволи эканини улар кеч англайдилар. Совиганларидан кейин икки томон ҳам бу асосий саволга "Ҳа!" деб жавоб берган бўларди. Лекин энди кеч!

Шоирлардан бири: "Қайси миллат тилида айриллик деган сўз бўлмаса, ўша миллатни қабул қилардим", деган экан. Айриллик дарди қанчалар оғир эканки, уни билмаслик учун ҳатто миллатидан ҳам воз кечилса?! Бошига айриллик тушганларга Аллоҳ тўзим берсин!

Аёлларнинг эркакларга нисбатан чидамлилиги, "узокрок яшаш" ҳақида кўп

"чиқарга" келганлар қалбидан қидириш беҳуда! Момо Ҳаводан қолган азалий бу ақида қалбларида турғун бўлмагани учун ҳам улар бахтларини бой берганлар. Минг афсуски бой бериб туриб ҳам ўша бахтнинг қадрига ета билишмайди, қирқта жон чикўнча шу бахт учун курашишмайди. Курашнинг маъноси енгиллигинан эмас, чиройли енгилла билиш ҳам эканлигини англашмайди.

"Қўярга", "чиқарга" келиш сабабларидан яна бирини фуқаролик ишларини кўп кўрган судья шундай тушунтиради:

- Ақралишайётганлар ичида аксарияти олий маълумотлилардир. Қиз-келиндарнинг кўпи миллатимизга гайри туюлса ҳам оилада "ётовга юриш"ни эмас, "етаклашни" истайдилар. Етаклашга эса истакдан бўлак на иқтидорлари, на укувлари, на тажрибалари бор уларнинг!

Баъзи ҳолларда "қўярга", "чиқарга" қизлар-келиндарнинг оналари сабаб бўларкан. Бу ҳақда ёзиш менга жуда оғир. Бағрида келинлари, узатган қизлари борларнинг биримам. Бу бағри бутунлиқни сақлаб қолиш учун ўзимдан, ўзлимдан кечган вақтларим кўп бўлгандир. Ўздан

дамлар... Бугун эса...

Бугун вужудингиздаги ўзингиз ҳам оқламаган титроқни кўзларингиздаги ёш, бармоқларингиздаги қалтироқ ошқор қилмоқда. Чунки ўша утган фаслда "қайтган қиз онаси" атамасини бўйингизга илдингиз. Унинг юки нечоғли оғирлигини ундаги гурурингиз сездирмаган эди.

**Дерлар:**  
**Қайтган қиз онасин бошлари эгик, Қайтган қиз онасин кўзларида ёш. Қўйингиз сўндириб, ойин сўлдириб. Қайтган қиз қандайин кўтаради бош?**

Янги тушган келиннингизни қайирганингиз эсингиздами:

- Эркалигини ота-онанг кўтаради. Эрингники - ўзга давлат!

Бу шартқалингиздан келиннингиз талай вақтгача довдираб юргани ҳам эсингиздадир? Уни енгиб олганингиздан нечоғли қувонган эдингиз!

Эсингиздами, кизингиз устидаги келинлик либосларининг оҳри тўқилиб улгурмай биринчи бор сизга шикоят билан келганди.

- Дугонам кийган қўйлақдан олиб беринг, - десам, бир кўйинроқ, албатта олиб бераман дердилар. Хомилдор бўлиб қолсам уни қия олмайман. Менга ҳозир

Ўзбекларда "Уришқиз уй қайда?" деган гап бор. Яна: "Эру хотин уришига уй остонаси ҳам қулар", деган нақл ҳам бор. Демак, уришидан уришишнинг фарқи бор экан-да. Демак, уришишмаслиқнинг жуда иложи бўлмаганда, жила бўлмаса уришишнинг меъёрини билиш керак экан-да. Ҳамиша орқага қайтиш имконини қолдириш керакдир. "Кириб-чиқиб юрадиган эшининг каттиқ ёлма!", - дейишди-ку ахир.

Ана шу меъёр, ана шу имкон қайда? "Қўярга", "чиқарга" келганларнинг кўпи шайтоннинг оғзиди, Худонинг ғазабиди гапни айтиш билан шу меъёрни бузади, ўзи қирадиган эшикни таққа берилтади.

У гап нима?

Ўзингиз бир ўйлаб, мулоҳаза қилиб, ақралишганларнинг сўнги сўзи, сўнги жумласи нима бўлганини эслаб кўринг-а. Ўйланг...

- Сен ҳам аёлмисан?!

- Сен ҳам эркакмисан?!

Аксарият эрингиз хотинига энг ҳақоратли гапи, хотиннинг эса эрига энг таҳқирловчи гапи шулармасми? Ҳал қилувчи "талок" ҳам шулардан кейин айтилади-а? Бу икки томон учун ҳам шундай ҳақорат, шундай таҳқирлашчи, қулқоқ супрасига бир чеккаси тегиши биланок икки томоннинг кўзи тиниб, иккови дунёга келтириб қўйган болалар ҳам кўздан-у, дилдан нари кетади. Шайтоннинг ғалаба қилгани шу!

Ичимиздаги иблисинг тантанаси-шу!  
"Сен ҳам аёлмисан!?", "Сен ҳам эркакмисан?!"ни айтмасдан бир сония олдин ҳам қайтиш имконингиз, Аллоҳ битган тақдирингизга, ҳаётингиздаги энг керагингизга қўл чўзишингиз мумкин эди. Улар айтилган эса-кеч!

Раҳима ШОМАНСУРОВА

## ҲАМ РУҲЛИ, ҲАМ МОДИЙ КҮМАК

"Оила ва жамият"га жавоб хати келди

### Ҳурматли таҳририят!

Чилонзор туман хотин-қизлар кўмитаси таҳририят томонидан 2000 йил 4 январда юборган 01/1 рақамли хатингиз билан танишиб чикди.

Болалиги ота меҳр-шафқатига зор ўтиб, оилавий турмушда ҳам бахти қулмаган аёлнинг ўкинчу армонлар билан битган ушбу мактуби кўпчиликини изтиробқолади. Хат муаллифи Турсунова Нозиманинг оилавий шароити билан танишиш мақсадида яшаш манзилгоҳига борганимизда оила бошлиғи Турсунова Санобар "Оила ва жамият" газетасига ҳеч қандай хат ёзмаганлигини билдирганла-

рида бироз таажубландик.

Аммо маълум бўлдики, мактуб шу оила аъзоси Турсунова Назокатнинг бошига тушган мусибатларни, кўнглидан кечирган изтиробларини синглиси - 14 ёшли қиз Турсунова Нозима ўз номидан онасига билдирмай ёзган экан. Ҳақиқатан ҳам уларнинг ҳозирги яшаб турган манзилгоҳида яшаш шароитларининг ноқор аҳволдалиги мактубда тўғри ёзилган.

Турсунова Нозима Чилонзор тумани, Зухра кўча, 10-уйда онаси-Санобар, онаси Назокат, укаси Шерзод ва жияни Зухриддинлар билан яшаса-да, аммо уй рўйхатида қайд этилган яшаш жойлари

Шайхонтохур тумани ҳокимияти орқали ҳал қилиниши керак.

Бироқ Чилонзор тумани ҳокимияти хотин-қизлар кўмитаси умид ва мадад истаб келган аёл манфаатларини ҳимоя қилишга, унга моддий ва маънавий ғамхўрлик қўрсатишга ўзини маъсул деб билади.

Шу хат ўзасидан Чилонзор тумани ҳокимияти хотин-қизлар кўмитаси "III-Чарх Камолон" маҳалла кўмитаси оқсоқоли, маҳалла хотин-қизлар кенгашининг раисаси билан биргаликда Турсунова Санобарнинг оиласи билан суҳбат ўтказишди ва бу оилага қўйидаги ёрдам кўрсатиш

чора-тадбирлари белгиланди:

1. Нуриддинов Зухриддин 1,5 ёшга тўлиши биланок яслига жойлаштириш.
2. Турсунова Назокатга боласи 3 га тўлгандан кейин бепул ўқишга ва меҳнат биржаси орқали ишга жойлаштишга ёрдам бериш.
3. "III-Чарх Камолон" маҳалла кўмитаси 2000 йилдан бошлаб бу оилага моддий ёрдам кўрсата бошлайди.

**М.СОДИҚОВА,**  
Чилонзор туман ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси



# ҲАЛИ ЯХШИ КУНЛАР ҲАМ БОР...

Хурматли синглим Н., сизни мақолангизни ўқиб қалбим ларзага келди. Дадангизнинг қилган жанжалларидан, ичиб келиб уришларидан қуя-қуя, онангиз ёшгина вафот этибди. Меҳрибон, қалби ҳасратга тўлган онангиз бу дунёда нимани кўрди? Дадангизнинг уриш-жанжалла-

**ЭСЛАТМА:** Биз оилада 5 нафар фарзандмиз. Мен тўнғичман. Дадамизни ишдан олиб келган машина сигнали эшитилса, ҳаммамизнинг юрагимизни кўрқув эгалларди. Кейин эса ҳақоратлар, уришлар бошланарди.

"Дада" деган муқаддас сўзни унга айтмайман, деб онт ичганман...

Н.

## "ДАДА" ДЕГАН СЎЗНИ СИРА АЙТОЛМАЙМАН" - 26-СОҢ

рию, куруқ тухматларидан бошқа нима яхшилик кўрди. Онангиз фақат ўзи қийналмади, болалар - сизлар ҳам дадангизнинг қийноқларига чидаб келдингиз. Бундан оғир қийинчилик, ташвиш борми дунёда. Онангиз дадангиз қийноқларига чидаб эди, лекин фарзандларининг қийналишига чидаб олмайди. Онангиз эл-юрт олдида андиша қилган, дадангиз андишани кўрқок деб билган. Онангиз ҳаёти икки ўт орасида бўлган. Дадангизнинг инсофини сўраб, фарзандларининг келаётиганини ўйлаган. Онангизнинг қанча-қанча орзулари ушаламади, ўқисик қалби армон билан кетди. Онангиз бошқа оилалар каби ҳаётида яхши, қувончли кунлар кейинлири кутган. Бу юзлар, бу кўзлар бахтни, қувончни кўролмай ўтиб кетди.

Онангиз бутун умр фарзандларининг келажаги яхши бўлишини, яхши куёвлар, яхши келинлар келишини орзу қилиб, худодан тилаб ўтган бўлса керак. Негаки ўзининг бошидан ўтаётган қийинчиликларни фарзандлари кўрмасин. Уларнинг юзларида доимо табасум, ҳаётлари ширин, умрлари узоқ бўлишини хоҳлаган. Лекин бу орзулар ушалишини кўролмади. Ўқисик, топтаган қалби дадангиздан норози бўлиб, кўнгиллари ҳаётдан тўлмай кетди.

"Ахмоқни кўриб, ақлли бўласан", - деб айтилган халқимиз мақолларига. Сизларнинг бошларингиздан анча қийинчиликлар ўтибди. Худо хоҳласа, сизлар учун ҳам жуда яхши кунлар келади. Фақат сабр-тоқат ва яхши умид билан яшангизлар. Яхши умид, яхши орзулар доимо яхши

кунларга олиб келади, ҳали ҳеч нимани кўрмагандай бўлиб кетасизлар. Лекин, онангизни дадангиз қийнаган кунларни уриб, тухмат қилган кунларни, кўчаларда сарсон-саргардон бўлиб юрган кунларни, онангизни аччиқ кўз ёшларини, кўриб эшик очилларини ҳеч қачон унутмайсизлар. Бу воқеалар юракда муҳр бўлиб бир умр қолади. Эсланган пайнларингизда, аламли аччиқ кўз ёшларини тўхтата олмайсизлар. Дадангиз қилган айбларини, гуноҳларини ҳеч қачон юва олмайди. Эгри ўсган дарахтни тўғрилаб бўлмайди, - дейдилар. Одамлар ҳаётини синаш учун бир олим, янги туғилган бир хил эгиз кўзларини алоҳида, бир-бириндан узоқроқ, бир-бирига кўринмайдиган қилиб қамаб боқибди. Иккала-сига ҳам бир хил ем, пичан, сув берибди. Лекин биринчи-

сининг олдига чиройли гуллар экибди, иккинчисининг олдида қафасда йўлбарсни олиб келиб қўйибди. Орадан бир йил ўтибди. Биринчи кўзи катта, семиз қўйга айланбди. Иккинчи кўзи эса бўйи кичкина, озгин, касалманд қўйга айланбди. Сизнинг онангизнинг ҳаёти ҳам шунга ўхшаш бўлган. Шундан ҳам айтаманки, сизларга дадангиз ўтказаятган жабр-ситамни қалбингизга яқин олманг, қалбингизни ўқситманг. Садақан кўз ёши кетсин. Хафа бўлгангизга арзимайди.

Дадангиз нима ниётда шундай ишлар қилди экан? Мен амалдорман, мендан ҳамма кўришиб, айтганини қилиши керак деб ўйладимми? Ароқ ўлгурни ичиб, хотинини, болаларини дўппослаб хумордан чиқишни у одам учун бахт деб биландир. Мана, оқибати нималарга олиб келди. Халқимизнинг: "Қам гапириб - кўп ўйла", - деган мақоли жуда тўғридир. Дадангиз дўппосини олдига олиб, қани энди бир ўйлосин. Мен нима ишлар қилдим ва нима иш қилаялман? Оқибати нима бўлди? Қўни-қўшиллар, маҳалла менга қандай кўз билан қарайдилар, мен ҳақимда нималар дейди? Менинг обрўим нима бўлади? Ароқ ичишнинг оқибати амалпарастлик, жаддорлик нималарга олиб келади? Энди мен

нима деган одам бўлдим? Обрўли оилалардаги эркаклардан нимам кам эди. Хотинимнинг, болаларимнинг айби нима эди? Андишали, меҳрибон, айтганини қилгани, кўрқиб туриб қараганими уларнинг айби? Шуларни ўйлаб, эҳ аттанг, эссиз ҳаёт деб, ўз-ўзидан нафратланармикан? Сизларга меҳр кўярмикан? Ёмон оилалар билан таққослармикан? Агарда дадангиз ақлли, меҳрибон бўлганида ишдан уйига борганда эшикни хурсанд бўлиб хотини очиб кутиб олар, болалари дадасини кўриб хурсанд бўлиб олдига келар, кенжабойи эркаланиб олдига ўтириб олармиди? Дастурхон ёзилиб, тўкин-сочин бўлиб, қаҳ-қаҳлашиб ўтиришга нима етсин. Дастурхон атрофида дадалари болаларига, болалари дадаларига яхши дуолар айтиб, бир-бирини севиб яхши ҳаёт кечирармиди?

Эҳ, афсус, бундай орзулар дадангизнинг ҳаёлига ҳам келмас. Одамзод дунёга яхшилик уруғини селиб, оиласига, юртига нафи тегадиган бўлсин.

Болаларни яхши тарбиялаб, ўқитиб, хунар ўргатиб, ўғил бўлса уйлаб, қизи бўлса турмушга бериш ҳар бир отаона учун қарз ҳамда фарзод. Шундагина элимиз оқиб, ҳаётимиз фаровон бўлади.

ОРАЗГУЛ

Оҳангарон

## АДОЛАТ ТАРАФДОРИМАН

Бу мақолани ўқиб, юрагим ларзага келди. Мен оддий ўқитувчиман, лекин кўпинча жанжалли масалаларда оилаларга бориб сохта "юрист" ва зифасини бажариб, тинчитиб келаман. Ёшлиқдан адолатли ҳукм чиқаришни ўзимга одат қилганман. Одамларни мушқулини осон қилиб, ҳақиқатни юзага чиқаришда, иложи

ўйлайман. Мана, Дурдонанинг дардини олайлик. Дин пешвоси билан юрист зўравон эрни ўртага олиб, яхшилаб шарият қоидалари, қонун нуқтаи назаридан икки оғиз чиройли пўпасна қилишса, эри мулойим тортиб, хушёр бўлиб қоларди. Чунки, ичмаган вақтида, ялиниб кечирим сўрабдими, демек тарбияласа

Дурдона қизимнинг дил изҳорини ўқиб чиқдим. Бунда лабз ҳалоллик паймол қилинган. Яъни: "Сенга ҳеч қачон қўл кўтармайман", - деган йигит ўз лабзидан турмаган. Уша йигит ҳақиқий мард бўлганда, ўз сўзи устидан чиқар эди. Яъни, севиб турмуш қургандан кейин, "сен" ламасди, сўкмасди, урмасди, хўрламас эди. Аслида аёлига қўл кўтариш - номарднинг иши. Шу ўринда ҳамма

ри хотинини уйга қамаб устидан қўл солиб уйни беркитиб ишга кетар экан. Хотини бечора шу аҳволда беш-олтита болалик бўлибди. Бу жаҳолатга чидалмаган хотин бирорта боласини уйламай, жойламай туриб оламдан ўтган. Ушандан сўнг хотинидан кейин қолган эрга ҳеч эги лойиқ топилмай мана, ўттиз йилдан бери хотинсиз ёлғиз умри ўтиб кетаяпти.

## ЭРНИ ОТИ БАҒДОДАН УТИБДИМИ?

### "МАКТУБЛАРИНГИЗДАН БИРИ..." - 28-СОҢ

Энди Дурдона қизимизга келсак.

Сизни ота-онангиз яхши одамлар экан. Сиз эса сабр-тоқатли, бардошли инсон экансиз. Ҳамма нарсани чегараси бўлади. Инсон дунёга бир марта келади. Сизга шундай дегим келади. "Эрни оти Бағдоддан ўтибдими?", "Жанжаллик уйдан қоронги гўр яхши" деган гаплар бор. Шу аҳволда яшайверсангиз эрингиз ота-онангизни олдида ҳам урадиган бўлиб қолади. Нахотки маҳалла оқсоқолларига, Ички ишлар бошқармасига, бошқа жойларга муурожаат қилмадингиз. Нахотки шунчалар кўрқок бўлсангиз. Агар шундай ўтадиган бўлсангиз умрингизни ярмини ҳам яшай олмайсиз. Минг бора қасам ичса ҳам унга ишонманг. Ёмон одамни ўзи тавба қилса ҳам қўли тавба қилмайди. Қўли югуриб, ўрганиб қолган бўлади. Энг осони, судга ариза беринг, қонуний ажрашинг. Бир уйланиб кўрсин. Яшаб кўрсин.

**Этга бошинг, у эгмаса бош, Кўларингдан оқизмагин ёш. Вақти келиб сен томонга ҳам, Нуриин соҳар бу гўзал кўёш.**

Кўшимча қилиб шуни айтаманки, янги турмуш қурган эй йигит-қизлар, ота-оналарингиз озмуна қийналиб сизларни оилалик қилдими ёки турмушга чиқардимми? Инсонга умр бир марта берилади. Шунинг учун, бу вазир умрини ширинлик билан ўтказинглар, бир-бирларингизни ҳурмат қилинглр. Шунда сизлар қайнона-қайнотани, маҳаллани ва фарзандларингизни ҳурмат қилган бўласизлар.

Зокиржон ИБРОҲИМОВ

Андижон вилояти,  
Хўжабод тумани,  
Кўтарма қишлоғи

## "МАКТУБЛАРИНГИЗДАН БИРИ..." - 28-СОҢ

борича камбағал ва жабрланувчи кишиларга ёрдам беришга ҳаракат қиламан. Ҳалиям бўлса юридик маълумот олиш учун олийгоҳга кириш ниятим бор. Бу йил ёзда анча тобим қочиб, қабул вақтини ўтказиб юбордим, демек насиб қилмади шеклли деб, ўзимга яна далда бердим. Мен айтмоқчи бўлганим, бизда, негидир баъзи одамлар бир-бирига яхшилик қилишни хоҳламайдилар ёки очикдан-очик лоқайдлик билан "Менга нима, ўзимни ташвишми камми, биров раҳмат дермиди", - деб қўл силтаб ёки томошанин бўлиб тураверадилар. Баъзан, оддий маслаҳат беришни ҳам қизганадилар.

Мен эса негидир айнан шу йўлдан юриб, ўзим билмаган ҳолда бировнинг дардига, ғамига шерик бўлиб қоламан-да виждон азобиди қийналаман. Қани энди бирор район прокурори бўлсаму, шунга ёрдам бериб, ғаламис кишини жазосини беролсам, ёки катта бойлигим бўлсаю, шу бечорани ғамдан халос этиб ёрдам беролсам.

Мен бир неча марта ўзим оила қурмаган бўлсам ҳам, оилавий можароларга аралашиб, тинчитиб, ҳар икки томон манфаатини ёқлаган ҳолда ҳал қилиб келганман. Нахотки маҳалла оқсоқоллари, дин пешволари шундай савобли ишларни қилишга эринса, нима учун яшаб, ким учун намоз ўқишяпти улар, деб кўп

**ЭСЛАТМА:** 20 ёшимда ўзим билан тенг, бирга ўқиган, мени яхши кўрадиган йигитга турмушга чиқдим. Тўйимиздан аввал мени сизлаб жуда ўзини меҳрибон қилиб кўрсатарди. "Мен сизга ҳеч қачон қўл кўтармайман", - деб мен сўрмасам ҳам қасамлар ичар, ваъдалар берар эди. Орадан бир ой ўтгач уйимизда жанжал бошларди. Қачонгача уришиб яшаймиз. Баъзида жонимдан-да тўйиб кетаман....

ДУРДОНА

бўлади, деб ҳисоблайман. Агар тарбиялаб бўлмаса, жазога тортиш керак. Дурдонанинг адресини ёзсангиз, мен албатта бу иш билан бир шугулланиб, ўзимни яна бир бор синаб кўриш ниятим бор. Мен бир йўқитувчи - тарбиячи сифатида фақат ўқувчи - ёшларни эмас, ҳозирги кунда ота-оналарни ҳам тарбиялаб боришимиз керак деб ҳисоблайман. 15 йилдан бери халқ фарзандларига ҳолис хизмат қилишга астойдил бел боғлаб, Оллоҳдан мустаҳкам асаб, сабр-қаноат тилаб юрибман.

Илтимос, менинг сўзларимни Дурдоналардек эзилиб юрган аёллар эшитсин. Ноумид шайтон. Албатта эрингизни тарбиялашга ёрдам беришим мумкин...

АДОЛАТ

Тахририятдан: Адолатхон, агар бу борадаги ниятингиз ҳолис бўлса, редакциямизга бир кўнгирак қилинг ёки келинг. Ёрдам ва маслаҳатингиз бизга албатта керак.



ТАБРИКЛАР ВА ЭЪЛОНЛАР

**Ўғлим НОДИРБЕК!**



Шуни кунинг билан  
тин юрақдан қутлаймиш!  
Аданг, ойинг,  
укаларинг,  
оила аъзоларинг

**Азиз аяжонимиз МУХАББАТ ИКРОМОВА!**



Сизни таваллуд айёмингиз билан қутлаймиш!  
Допмо соғ бўлинг!  
Ўғлингиз Равшанбек,  
набираларингиз Жавохир,  
Сардор, Шаҳзод

**Хурматли ФАРХОД ака!**



30 ёшга тўлганингиз билан табриклаймиш.  
Оила аъзоларингиз номидан уқангиз  
Жўраев Мурод

**Синглим СОНИЯХОН!**



Сени турмуш кунинг билан табриклаймиш!  
Опаларинг Феруза,  
Муқаддас ва яқинларинг

**Азиз онажонимиз Мавжуда КАРИМОВА!**

Сизни таваллуд айёмингиз билан тин дилдан қутлаб, Оллоҳдан соғлиқ, узок умр тилаймиш.  
Роҳатингизни кўриб, адожонимиз билан кўша қаринлаб.  
Фарзандларингиз Дилшод, Раъно,  
Бахтиёр, Маҳмуд, Нодира

**Суюкли жияним САРВИНОЗ МАХМАТОВА!**

Сени 29 феврал — таваллуд кунинг билан қутлаймиш. Қалбимда ақлли, билимли ва оқилга кўз бўлиб ёшганини истаб қоламан.  
Дадан Дўстмурод, акаларинг Шодийёр, Анвар, Ашраф, Рустам.  
Кашқадарё вилояти, Чирокчи тумани, Лангар қишлоғи

**ЖОНДАН АЗИЗ КИЗИМ, НАБИРАМ МУШТАРИЙ БОНУ!**



Она қизим, жон қизим,  
Униб ўсгил саломат.  
Кизартирмай ҳеч юзим,  
Юргил доим аломат!  
Эсли-хушли, доно бўл,  
Бахтинг берсин ҳар доим.  
Узок яша, юзга тўл,  
Умринг берсин Худойим.  
Оқ фотиҳа ол элдан,  
Кўрмагил ҳеч қабоҳат.  
Табриқлайди чин дилдан,  
Бувижонинг **САБОҲАТ!**

Туғилган кунинг муборак бўлсин!

**«ДИЛОРОМ» ўқув маркази тақдир этади:**

**2 ойлик:**

1. Компьютер билмилари.
2. Замонавий бухгалтерия ҳисоби.
3. Зардўзлик - бухороча.
4. Тиқш-бичиш, моделлаштириш.
5. Аёллар устки кийимларини тиқш-бичиш, моделлаштириш.

**3 ойлик:**

1. Компьютерда бухгалтерия ҳисоби.
2. Инглиз тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун).

**Манзил: Абай кўчаси, 4 «А»-уй, 1-қават, 114-хона.**  
**Тел: 144-03-25; 125-19-15.**  
**Мўлжал: «Алишер Навоий» метро бекати.**

**ТУШАА ҚУРИАГАН УЙ**

Инсон эзгу ниятлар билан ўзига уй қуради. Аммо, киши тушда уй қурса-чи...  
Бошимга тушган бахтсизлик туфайли анча вақтгача ўзимга келолмай юрдим. Бу мусибатни энгиш учун ҳаёт йўлимда бир ҳамдард елкадош зарур эди. Жудаям кўп эзилдим. Охири ўзимни иш билан овутидим. Корхонамизга Сайфиддин исми бир йигит ишга келди. Самимий, меҳнатсевар йигит эди. Бошқалар қатори мен ҳам у билан тезда тил топишиб кетдим. Орадан вақтлар ўтди. Бир кун суҳбатлашиб ўтириб Сайфиддиннинг ҳам ҳаётдан бахт топамаганлигини билиб қолдим. Буни қарангки, орадан унча кўп вақт ўтмай менга турмуш қуришни таклиф қилди. Мен негадир ўйлашиб қолдим. Розилик беришимга нимадир мовънелик қиларди. Аммо, унинг мендан умид қилаётганини сезиб турардим.  
Орадан икки ойлар чамаси вақт ўтди. Мен бу вақт орасида уни хар томонлама синаб кўрдим ва турмуш қуриш ҳақидаги таклифларга розилик беришга қарор қилдим. Ушанда

эзги таътил эди. Сайфиддин билан августнинг сўнгги кунларида қўришгандик. Дилимдаги туйғуларни ўзим айтишга журъат қилолмай дугонам орқали билдиришга қарор қилдим.  
Эрталаб дугонам йўлга отланди. Мен эса нонушта пайтида кула-кула унга кўрган тушимни айтиб бердим. Тушимда Сайфиддин ака янги уй қураётган эмиш... Мен ҳам у қураётган уйга кирмоқчи бўлибману, осто-на хатлабман. Сайфиддин ака эса уйга киришимга ҳеч ҳам рухсат бермасмиш, мени йўлдан қайтарармиш... Уйга жудаям ҳафа бўлиб йўлаб кетаётган жойимда уйғониб келибман, қарасам ўнгимда ҳам кўз ёшларим юзимга оқиб тушарди... Дугонам менинг қулибгина айтиб берган тушимни эшитиб ранги ўчиб кетди, аммо ҳеч нарса демая учрашувга чиқиб кетди. Кечки пайт бўлди. Кўнглим нимагадир гаш эди. Эшиқдан кириб келган дугонамнинг хабари эса мени эсанкиратиб қўйди - Сайфиддин акани туш кўрган кунин у нариги дунёга рихлат қилган экан...

**НИГОРА**

**ТАҚДИР ҲАЗИЛИМИ ЁКИ...**

Ўша кунни Жамила дугонасиникига бориб кечгача қолиб кетди. Уйдагилари хавотир олиши эсига тушиб йўлга отланди. Дугонасининг: "Бугунча қолақол, эртага борарсан", - дейишига ҳам эътибор бермади. Дуч келган йўловчи машинага қўл кўтариб, манзилига олиб бориб қўйишини илтимос қилди. Машинадаги йигитлар бир-бирига кўз уриштириб "чиқинг", - дейишди. Атроф қоп-қоронғу. Анча юришди. Жамила хавотирлана бошлади. Шофёрга: "Адашиб қолдингизми? Тўғри кетяпмизми?" - дея савол берди. "Хавотирингиз ўринсиз, яхши қиз. Айтган жойингизга олиб бориб қўямиз", - дейишди улар. Аслида йигитларнинг нияти бузилган эди. Жамила ичидан Худога илтижо қилиб кетди. Қабристон яқинига етганда машина бузилиб қолди. Иккала йигит ҳам машинани тузатишга киришишди. Шу фурсатдан фойдаланган Жамила ўзини қабристонга урди. Йигитлар уни орқасидан қувиб боришди, аммо қабристонга киришга юраклари дов бермади. Сўкина-сўкина машинага ўтириб жўнаворишди. Жамила очилиб қолган бир қабр ичидан паноҳ топди. Эрталабгача минг бир қўрқув ила ўша ерда ўтириб чиқди. Тонггача ёнидаги қабрдан йиги товушини эшитиб ўтирди. Эрталаб уст-башини қоқиб йўлга чиқайтган эди қўзи бир тўда мотамсаро аёлларга тушди. Унинг хаёлидан: "Кечаги йиги товуши янги қабрдан чиққан эканда", - деган фикр яшин тезлигида ўтди. Аёлларнинг орқасидан бориб, тундаги воқеани айтиб берди. Дарҳол гўрқовни чақирди. 17 ёшли йигитни ток урган экан. Ўзига келавермаган ўлди деб ўйлашиб қўмиб қўйишди. Қабрдан олишганда у ҳушидан кетган экан. Йигитни уйига, Жамилани эса айтган манзилига элтиб қўйишди. Тақдирнинг сир-саноатини қарангки, орадан уч йил ўтгач иккаласининг тўйи бўлди. Буни Жамила келин бўлиб тушгандан сўнг билибди.

**Хонбиби ҲИММАТ қизи**

**ЭЪЛОН**

**“Матбуот тарқатиш уюшмаси” Ақциядорлик жамияти ақциядорларнинг умумий йиғилиши 2000 йил 28 февралда Эрталаб соат 10.00 да бошланади.**

**КУН ТАРТИБИ:**

1. 1999 й. иқтисодий-хўжалик фаолияти яқунлари.
2. 1999 й. иқтисодий фаолият

юзасидан дивидендлар тўлаш.

3. Умумий мажлисни ўтказиш жойи: Амир Темур 1-тор кўча, 2-уй, мажлислар зали.
4. Ақциядорларни рўйхатга олиш 28.02.2000 йил соат 9.00 да бошланади.

**“МТУ” АЖ Кузатув кенгаши**

**ОИЛА- 2**

38 ёшдаги бефарзандлиги учун ажрашган тошкентлик аёл фарзандлари бўлган 40-47 ёшгача бўлган олижаноб эрак билан танишишни истайди.

**ОИЛА- 3**

Наманганлик 24 ёшдаги (эри вафот этган), иккита қизи бор, тикувчи аёл мўмин-мусулмон, одобли киши билан турмуш қуришни истайди.

**“ОИЛА ВА ЖАМИЯТ” ЎГИТНОМАСИ**

- Шошилич ишга шайтон аралашади.  
\*\*\*  
Тик туриб емак ейилса, ярмини шайтон ейди.  
\*\*\*  
Бошга қўш ахлати тушса, кишининг иши юришади.  
\*\*\*  
Бойқушнинг бир уйга кўниб ўтиши ёмонлик келтиради.  
\*\*\*  
Бойқуш кўнган уйдан ўлик чиқади.  
\*\*\*  
Ўтга туфлаш, оловга сийиш ёмонлик келтиради.  
\*\*\*  
Ўт ўйнаган бола кўрпасини хўл қилади.  
\*\*\*  
Янги ойни қўриш яхшилиқдир.  
\*\*\*  
Янги ойни кўрганда шундай дуо қилинади: "Ойни кўрдим, Оллоҳ! Аманту биллох. Ойлар муборак бўлсин! Алҳамдулиллоҳ!" (Шундан сўнг киши ўз тилагини айтиб Тангрига ёлворса, тилак ижобат бўлади.)
- Туркқадан Тохир КАҲҲОР таржимаси**

**ҚИЯНАБ ДАВОЛАСА БЎЛАРКАН**

Эронда ҳозирги кунда ҳам ангина (томок безларининг яллиғланиши)ни қурбақа билан даволайдилар. Бирданига чўчиб кетманг - қурбақани емайдилар. Даволаш усули жуда содда. Аввало яшил ёки кўк рангадаги сув қурбақаси танлаб олинди. Қурбақани катталиги одам муштидан кичик бўлмаслиги керак.  
Қурбақа касалнинг оғзига 3 сантиметр яқинлиқда, ўн дақиқа давомида ушлаб турилади. Бу вақт мобайнида табиб нимадир ўқиб туради. Даволаш жараёнида бемор лабларини хиёл очган ҳолатда бурун билан нафас олиб, ўпкадаги ҳавони аста-секин қурбақага уфуриб туриши лозим.  
Ўн дақиқа ўтгач қурбақа қўйиб юборилганда у уч-тўрт сакраб, сўнгра агдарилиб тушади. Қурбақа ҳолдан кетиши, ўлиб қолиши ҳам мумкин. Четдан қараган кишига касаллик қурбақага тўлиқ ўтгандек туюлади. Аслида бундай эмас. Қурбақа тирик қолиб, яна яшаб кетиши ҳам мумкин. Аксар ҳолларда шундай бўлади. Аммо энг муҳими-натижа. Мен ўзимизда шу усулда беш марта даволашнинг шохиди бўлдим. Беморлар тўлиқ соғайиб кетдилар.  
Бангқодан 400 километр узоқликдаги қишлоқда яшовчи 81 ёшли табиб Пан отанинг даволаш усули яна ҳам гаройиб. У соғайишдан тамоман умид узган беморларни даволайди. Хатто рақ (саратон) ва шол касалига учраганларни ҳам даволашга тутинади.  
... Қария касални бўйнига қадар қайноқ қумга қўмади. Сўнгра беморнинг бошига ўзи оёғи билан чиқиб олади. Қийноқ шу билан тугайдики, қумдан чиққан таиландлик бемор ўз халоскор "ситамқори"га нафақат сўз билан, хаттоки пул билан ҳам миннатдорчилик билдиради...  
Халқ табибининг таъкидлашича, у қирқ йил аввал тупроқ, сув, олов ва шамолдан иборат тўрт унсурнинг мислсиз қувватини англаб етган. Қария беморнинг пешонасига қўл теккиздими, бу - шамол, муқаддас суви ичирдимми, бу - сув, баданига малҳам суриб, қайноқ қумга қўмдими, бу - тупроқ ва оловдир.  
Таиланднинг расмий таботаб ахли бу халқ табибининг даволаш усулига ишонсиз қарайди. Лекин очикдан-очик қаршилиқ қилмайдилар. Қария эса яшадан умидини узган 10 минг беморни ҳаётга қайтарганини таъкидлайди. Унга даволаниш умидида навбатда турганларнинг эса охири йўқ...

**ЎКИНГ, БУ КИЗИК**

**Обид СЎФИХОНОВ**



Салом "Оила ва жамият" газетасининг жонкуяр ходимлари. Ҳаётимда биринчи марта редакцияга хат ёзишим. Аммо, дилдаги гапларни ким биландир ўртоқлашгим, маслаҳат олгим келди. Яқин атрофимда ана шундай инсонни топа олмай сизларга мактуб йўллаяман. Аслида йигит кишининг оилавий аҳволдан нолиб гапириши уят саналса керак. Лекин, дардимни ичимга юта-юта асабларим толиқди. Ҳали 30 га қирмасдан юрагим сиқиладиган бўлиб қолди. Шу жиҳатдан олганда аёлларга маза деб ўйлайман. Негаки, ичидagi дардини кўз ёш қилиб айтиб олади. Болалигимда шохли Искандар ҳақида бир ривоят ўқиган эдим. Бир сирдан хабардор бўлган сартарош бу гапларни ичига сиқдира олмай қудуққа айтади. Бугун оппоқ қоғоз мен учун мисоли қудуқ. Бор гапни унга туширяпман...

Оилада тўнғич ўғил бўлганлигим сабабли ота-онам ҳали институтдаги ўқишимни тугатмасдан ўйлантириш тараддудига тушиди. Ростини айтсам, анчадан бери курсдошларимдан бирига кўнгли қўйиб юрганлигим боис ўзим ҳам рози бўлдим. Тўй бўлди. Нарғиза ҳам уйдагилар билан тезда тил топишиб кетди. Айниқса, ойим жуда хурсанд, тилидан қўймай келинини мақтарди. Бу орада фарзандлик ҳам бўлди. Бир қувончимизга яна ўн қувонч қўшилди. Аммо, энди ўйласам ҳаётимдаги энг бахтиёр дамлар ўша кезларда ўтиб кетган экан. Негаки, оиламиздаги ёлғиз қиз - синглим ҳам воёга етиб, остона хатлаб совчилар кела бошлади. Ана шундай кунларнинг бирида уйимизга қайнонам яна бир аёл билан кириб келди. Қўлларидagi катта тугунни кўриб аввалига сабабини тушунмади. Синглим ҳам бемалол салом-алик қилиб кутиб олди.

Сўхбатдан қайнонам совчи бўлиб келганлаки маълум бўлди. Кувёвжон, энди сиз ҳам бизнинг оиламизнинг аъзосисиз. Келин бегона бўлмасин деган умидда келганман. Қудалар билан яна яқин бўлсақ ёмонми?

Агарда ўшанда эртага нима бўлишини билганимда, "Бизни тинч қўйинг, сиз бу билан бахтимизга чанг соласиз", - деб айтган бўлардим.

Мен бугун яна бир нарсасига, оналарнинг кўнгли хатарни олдиндан сезишига амин бўлиб турибман. Чунки, маслаҳат вақтида ойим:

- Мен қудаларни ёмон демайман, аммо, ўғлимнинг ошига захар тушмасин, қўйинг дадаси, йўқ деб жавоб қилайлик, - деб ялиндилар. Лекин дадам бу гапларга парво қилмай розилик бердилар.

Тўйдан сўнг онамнинг Нарғизага бўлган меҳри яна ортди. Бу орада иккинчи фарзандимиз ҳам туғилди. Боламиз ҳали ёш бўлса-да, ойим: "Келин сиз ишга чиқа қолинг, невараларимга ўзим қарайман", - деб Нарғизани ҳам чиқардилар.

Дам олиш кунларидан бири эди. Ўртоғимникига меҳмонга бормоқчи бўлиб эр-хотин тараддул кўраётганимизда уйга синглим боласини кўтариб кириб келди. Аввалига ўзи келгандир деб ўйладим. Аммо, ойимнинг ёнларига қирсам, у йилга нимандидир шикоят қилапти. Мени кўрди-ю, кўз ёшларини артди.

- Нима гап, тинчликми?  
- Мен у уйга қайтиб бормейман, - жавоб қилди синглим.  
- Ҳаммасига даданг айбдор. Қўйинг дадаси, қизимиз қали ёш, қолаверса қарши қуда бўлиш яхши эмас, ўғлимизнинг ҳаётига раҳна солмайлик, - дедим. У киши:

"Худога шукр, ўғлимиз билан келин тинч яшаб юришибди. Қудалар билан ҳам сан-манга борганимиз йўқ. Қай-танга янаям жипсрок боланади", - деб ҳоли-жонимга қўймадилар. Мана оқибати. Қачон қарама қизим бечорамга кун беришмайди. Келин бўлиб тушибдики, бирор марта уйлаб-қулиб келганини билмайман.

- Нега шу пайт-гача менга айтмадинглар? - дедим мен.

- Сени рўзгорингга ҳам совуқлик тушмасин деб яшириб келдик. Келинни аввалгидан ҳам эъзозлаб "шунга яхшироқ муносабатда бўлсақ қизимизга қайтади", - деб юрсак, ку-

меҳмонга олиб борармишлар. Ҳай, сенда ўзи гурур борми, эркакмисан?

Умрида ойимнинг ваҳохатини кўрмаган Нарғиза кўркув аралаш сўради.

- Нима гап ойи?

- Нима гапнинг бориб уқангиздан сўранг. Айбимиз гудке қизимизни унга бериб қўйганимизми? Мана кўринг, қувимизнинг раҳматини.

- Мен у рўзгордан қақанимга беш йил бўлган бўлса. У ердаги гаплардан хабарим ҳам йўқ...

- Хабарим йўқ эмиш, онамизникига борганимизда лоақал уқангизга насиҳат қилсангиз бўларди. "Энди арқоннинг бир учи уларнинг ҳам қўлида укажон. Узингни ўйламанг мени, иккита боламини ўйла", - деб тўғри йўлга чақирсангиз сиздан нима кетарди. Андишани оти кўрқок қўйдинглар-ку.

- Ҳеч ким сизни кўрқок даяётгани йўқ. Аммо, менинг айбим нима?

Нарғизанинг бу саволларига онам эмас мен жавоб қайтардим:

- Шунга яхшилаб қулогингга қўйиб ол. Менинг синглим уйга кўз ёши қилиб келар экан, сен ҳам бу ерда тинч ўтирмайсан.

Хар ҳолда синглимнинг кўз ёшлари таъсириданми ёки онамнинг гаплари юрагимга текканданми Нарғизанинг юзига шапалоқ тортиб юбордим. Аммо, у миқ этмасдан қўзида дув-дув ёш билан менга тикилиб турарди.

- Йўқол, қўзимга кўринма, - жаҳл билан бақирдим.

- Мени бу уйдан ҳайдаб чиқара олмайсиз. Қолаверса, иккита болам билан ҳеч қаерга кетмайман, - жавоб қилди у. Унинг гапи баттар жаҳлимни чиқарди. Ваҳохат билан қўлидан тортиб эшикка судраб бордим. Кун совуқ бўлишига қарамадан болаларни ҳам қўлига тут-қаздим-да, эшикни ёпдим.

Орадан бир ҳафта, ўн кунлар ўтган, катта-кичикнинг аралашуви билан синглим ўз уйига, Нарғиза эса бизникига қайтди. Аммо, орадаги илқилқил ўртадан кўтарилган, онам энди келинини ўтурса ўпоқ, турса сўпоқ деб жерқийдиган одат чиқаргандилар. Тобим йўқ, деб невараларига қарашдан ҳам бош тордилар. Нарғиза ишдан бўшаб, уйда ўтирди. Лекин, кутилмаганда яна синглимнинг "ташрифиди" барчамизни газаблантирди. Унинг қалтак зарбидан кўкарган бадани, ёшиқ судраб бордим.

Кўч-чеганани кўрсатиб турарди. Бу гап ҳеч қандай гап, сўзсиз хотиним болаларни олди-да, она-синикига кетди. Бу воқеага ҳам икки ойдан ошди. Энди синглим куёв билан яшамаслигини, агарда уйига мажбурлаб юборсақ, ўзини ўлдиришини такрор-такрор уқтирарди. Ойим, у кишига қўшилиб дадам ҳам қудалар билан айтишиб олдилар. Энди бизнинг уйда Нарғизага жой йўқлигини қайта-қайта уқтиришди. Менга ҳали онаси ўлмаган қизни олиб беражақларини айтишни ҳам унутишмади.

Кечалари уйкум учиб юрагим сиқилади. Айниқса, бир-биридан ширин фарзандларимни баргимга босиб қучгим келади. Нарғизадан ҳам кўнгли ўзолмайман. Бу ҳолатимни эса уйдагилар тушунмайди. Қолаверса, синглимнинг рўзгори нотинч бўлиб, биз бахтли ҳаёт кечиримизга ҳам ишонмайман. Уйлаб-уйлаб сизларга хат ёзаяпман. Мен нима қилай, бошқалардек бахтли яшашига менинг ҳам ҳаққим борми? Қолаверса, сиз менинг ўрнимда бўлганингизда қандай йўл тутган бўлардингиз?

Маслаҳатларингизга жуда муҳтожман. Тўғри йўлни кўрсатишларингизга умид билан мактуб йўлловчи

МУРОД

Қарши шахри  
Нарғиза

БАХТИМГА



КЎЗ ТЕГАН

ёвнинг раҳмати шу бўлди-ми, дея онамни чиқиб турганда тиним остонада пай-ойим баттар туюқиб кетди.

- Хотинпарварлик ҳам зив билан-да. Келин эрни оғзи бўшини топиб, ўз измига солиб юрибди-ку. Қачон қарама, хотинга илтифот. Бугун меҳмондорчилик, эртага янги совға. Ўзи эсли ҳамма айб сенда. Эракдек бўлиб сийёсат қилишни ҳам билмайсан. Бу ерда сингли бечора жабрдан кўз ёш қилиб ўтирибди-ю, бу киши хотинларини

Бўйинг ҳисобини қилиб берамиз?

ир замонлар бир қилқоқда бир бой яшаган экан. У жуда кўрқок экан. Ҳатто ўлигининг ёлғиз қолишини ўйлаб ҳам кўрқавераркан. Шунинг учун шундай васият этибди: кимки унинг ўлигини мазор-



(Қибрис турк эртаги)

га қўмилгунга қадар пойлаб чиқса, ўша унинг бутун мол-мулкига эгаллик қилажақ.

Куну битиб, бойнинг ажалли келибди. Бойнинг қариндош-уруғлари ҳам кўрқок экан, ўлиқни ёнида турадиган кишини ахтара бошлаптилар. Сўраб-суриштириб, бир йўқсил ўтинчини топишибди, у рози бўпти. Ўтинчининг болта ва ар-

қондан бошқа ҳеч нарсаси йўқ экан. Унга: "Кечаси билан пойлайсан, эрталаб кўмамиз", - дейишибди. У ҳам: "Бўпти, жаноза намози қилингунгача ўлиқнинг ёнидан жилмайман", - депти.

Ўтинчи бойнинг жонсиз танаси ёнида тонг отишини кутиб ётаркан, ярим тунда малақлар сўроқ қилишга келишибди. Саломдан сўнгра ўтинчидан: "Не мол-мулкнинг бор", - деб сўрашибди.

- Бир ўрам арқон билан болтамдан бўлак ҳеч нарсам йўқ, - депти.

- Арқонни қаердан олдинг?

- Болтани қайдан топдинг?, - деб кетма-кет сўроқ қилишибди.

Кейин ҳалол-ҳаромдан сўрашипти. Ўтинчининг эси оғипти.

Тонг ҳам отипти, ўлиқни ҳам кўмиб келишипти. Ўтинчига:

- Энди бойнинг бутун мол-мулкни сеники, ҳалол-хуш бўлсин! - дейишпти.

Ўтинчи эса уларга қўл силтаб:

- Мен бутун кечаси билан бир эски болта билан бир ўрам арқонни ҳисобини беролмадим. Бунча мероснинг ҳисобини қандай бераман? - депти ва келган ерига жўнаб қопти.

Туркчадан Тоҳир ҚАҲХОР таржимаси

БАРАКА  
БИР ДОНАДА

Ўн-ўн тўрт ёшлардаги наби-ра қизим меҳмон бўлиб келганда уй ишларига қарашиб юборди. Маставага гуруч ювган эди, уч-тўрт донаси ерга тўкилганча қолди.

- Қарагин, она қизим, - дедим уни ёнимга қақириб, - анави ерда лойга беланиб ётган оппоқ гуруч доналари "йиғлаяпти". "Бизнинг шерикларимизни эъзозлаб, пишириб меҳмонларга қўйишади. Одамлар баҳра олишади. Биз эса ерларда увол бўлиб қолиб кетдик!" дейишяпти. Сендан росаям хафа бўлишгандир. Агар гуручни эҳтиётлаб ювиб, мабодо тўкилган тақдирда ҳам уларни териб, чайиб олганингга эди қанча савобга қолардинг. Балким, барака ана шу доналардадир. Энди пиширган таомимиз баракасиз бўлиб қолиши мумкин...- дедим.

Набирам ўйлашиб қолди. Ва уялиб ерга қаради. "Энди гуруч-

ларни ҳеч тўкмасдан юваман, бу-вижон!" деди.

- Ҳа барақалла, раҳмат. Гапларимни қулогингга зирақ қилиб, тақиб олганинг учун раҳмат! Бугдой донини ҳам, нон ушогини ҳам, мева-чева донасини ҳам увол қилиб бўлмайди. Техаб-тергасанг, биринг икки бўлади. Рўзгорга барака қиради. Муқаддас Курьони қаримда: "Енглар, ичинглар, аммо исроф қилманглар!", - дейилган. Энди анави гуручларни териб олиб, ҳуви четроққа ташласанг қушлар териб ейди...

Ҳа, қизларим, келинларим, ота-боболаримиз: "Барака бир донада", - деб бекорга айтишмаган. Баракани ерга туширмайман, ризқ-рўзимизнинг бир донасини ҳам увол қилмайлик. Ана ўшанда гуноҳларимиз бироз камайиб, умримиз узун бўлади.

С. МАҲМУДОВА

ҚИЗИМ СЕНГА  
АЙТАЙМАН,  
КЕЛИНИМ ЭШИТ...



## ТАНИШИНГ Зулфия номидаги Давлат мукофоти номзодлари

# ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР



**Сайёра МУРОДОВА** - Жиззах Давлат педагогика институтини "Умумий биология" кафедрасининг энг ёш, лекин иқтидорли муаллималаридан.

- Мен молекуляр биологиянинг долзарб муаммолари бўйича илмий-назарий тадқиқотлар ўтказаялман. Мақсадим шу соҳа бўйича янгиликлар яратиб Ватанимиз иқтисодини халқаро даражага кўтаришда ўз ҳиссамни қўиш, - дейди у.

Изланувчан муаллиманинг илмий кашфиёти шу кунларда "Асаричилик"ни ривожлантиришда фойдаланилмоқда.



**Зулхумор МАХМУДУВА-ЖАЕВА** - Намангандаги муҳандислик иқтисодиёт институтининг 4-курс талабаси.

- Мақсадим республикамиз иқтисодиётини ривожлантириш учун ушбу соҳада янгиликлар яратиш. Иқтисодиётта доир илмий ишлар билан шуғулланаялман, - дейди Зулхумор.

Дарҳақиқат "Иқтисодда математик графиклардан фойдаланиш" мавзусидаги иши билан Республикамиз олимпиадаларида икки марта 1-ўринни эгаллади.

Хомашё базаси ва қайта ишлаш корхоналарининг интеграцияси, банкларнинг ўзаро иқтисодий муносабатларига доир ёзилган илмий ишлари Намангандаги "Атлас" фирмаси ишлаб чиқаришида қўлланилмоқда.



**Шоҳиста МАХМАРАХИМОВА** - Сурхондарё вилоятидан. У "Жарқўрғон ҳақиқати" газетасида муҳбир бўлиб ишлади. Шерият ва тасвирий санъатдаги самарали, дилбар изланишлари учун муваффақиятларга эришган. Адабиёт, санъат, маданият, таълим фан йўналишлари бўйича 25 ёшгача бўлган қизлар орасида

таъсис этилган. Кўнгли оппоқ-ойдин орзуларга йўғрилган ижодкорнинг "Танҳо", "Учовлон", "Оқлик-поклик белгиси" каби асарлари унинг она табиатга қанчалик ошнолигини англатади.

Шунингдек, "Никоҳлар қандай ўтмоқда", "Сим ортидаги мардлик", "Болани ким нимадан ҳимоя этади?" каби очерк ва ҳикояларида ҳаётимиздаги айрим ютуқ ва камчиликлар кўрсатилган. Шоҳистахон ўз асарлари билан республикамиз бўйича ўтказилган кўрик ва танловларда ҳам қатнашиб қатор дипломлар билан тақдирланган. Мана, унинг ижодидан бир намуна.

### БОЛАЛИК

Ҳаёл дейди: "Юр, олисга кетиб қоламиз! Истасанг юр, болаликка элтиб қўяман!"  
Ўзимгаку аён, инсон барибир ожиз-Имконим йўқ, аммо бир кун етиб оламан.  
Бирпасгина бола бўлай, руҳсат берсанг бас.  
Узоқларга сени излаб кетай бир нафас.  
Сен шошмай тур болалигим, гардларини ювгум.  
Ювинтирай сени ҳам! Бир қийқириб кулгин!  
Билсанг эди, қалбим сенсиз ёлғизу бўм-бўш,  
Сенсиз гариб ўтган умр, сенчи-ширин туш...



**Ойдун АБДУЛЛАЕВА** - Муштор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг аспиранти.

О.Абдуллаева Республикамизда истеъдодли бастакор, мусикашунос, қатор симфоник ва камер мусика асарлари муаллифи сифатида танилган. Ойдунхоннинг "Севги ҳақида достон" симфонияси Ўзбекистон миллий симфония оркестрининг репертуарига киритилган. Бу асар республикамизда ўтказилаётган катта анжуманларда ижро этилмоқда. Истеъдодли ёш бастакор шунингдек Ўзбекистон телевидениясининг "Сеҳрли оҳанглар" кўрсатуви муаллифи ҳамдир. Ойдунхон ижодий изланишлар билан бир қаторда ёшларга назарий фанлардан дарс ҳам беради.



**Дано НИЗОМОВА** - Нукус Давлат университетини қошидаги академик лицейининг 2-босқич талабаси.

- Мен юртимиз тарихини, аждодларимиз хотирасини жуда қадрлайман. Уни чуқур ўрганиш, яна уни тасвирий санъатда акс эттиришни истайман. Бунинг учун ўқиб, изланмоқдаман, - дейди Данохон.

У тасвирий санъатда аждодларимиз ҳаёти акс эттирилган асарлар яратиш билан бир қаторда тарихий археологик қазилмаларни ўрганишда ҳам фаол иштирок этмоқда.

## СЕН ҲАМ, СИЗ ҲАМ БИР ОФИЗДАН

Мен туман марказида ўсиб-ўлғайганман. Биз ўзимиздан бир ёш катталарини-да, сизлаб сўзлашардик. Аммо, мен четроқ қишлоққа келин бўлиб тушдим. Бу ёрнинг одатлари ўзгача бўлиб чиқди. Қайнотам ўз оналарини "сен" дер эканлар!

Турмуш ўртоғим ва уч укалари ҳам катта бувиляри-ю, ўз оналарини шундай "сен"лаб сўзлашишарди. (Балким баъзиларга бу "оила сири"дек туюлар, аммо бу сир эмас, ҳақиқат). Шундай ҳолатлар қўниқўшни, қариндош-уруғларда ҳам мавжудлиги мени ажаблантирар ва ҳайрон бўлардим.

Турмушдошим бувиляри ва оналарини "сен"лаб, мени "сиз"лаб сўзлашарди. Бу ҳолат менга хунук, эриш кўринарди. Мен уларга: "Мени ҳам "сен" деб гапиринг", - дедим ва шундай бўлди ҳам. Лекин, укалари ҳамон рафиқаларини "сиз"лаб, волидаларини бўлса "сен"лаб сўзлашадилар.

Бундай муомила улар учун табиийдир.

Аммо, ташқаридан қараб, эшитганларга ҳурматсизликка ўхшайди. Ўзбеклар ўзининг ширин сўзи, лутфу каломлари билан ажралиб турмайдиларми?! Шундай гўзал оилалар борки, ҳатто ёш болаларини ҳам сизлаб сўзлашади. Буларга одамларнинг ҳаваси келади! Ахир сен ҳам, сиз ҳам бир оғиздан-ку! Бизлар бир-бирларимизни сизлашиб, ҳурматлаб муносабатда бўлсак, нур устига аъло нур бўларди... Бизнинг ахлоқ-одобларимиз сўзлашувимиздан бўлиб, фарзандларимиз ҳам биздан ўрнак олишларини унутмаслигимиз даркор!

Фаргона

ГУЛАСАЛ

## ЎРИГИДАН ДАНАГИ ШИРИН...

Ўзимнинг 40 йиллик муаллимлик фаолиятимда жуда кўп ажойиб ўқувчиларни кўрдим. Улар билан фахрландим. Лекин энг қувончлиси набирам Рўхсоранинг Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодликка тавсия этилгани бўлди. Бундан ҳам устоз, ҳам бобоси сифатида фахрландим.

Изланувчан набирам Рўхсоранинг келгусида Зулфия опа орзу қилган шоғирдларидан бўлиб етишишини истардим.

Тошпўлат ХОЛМАТОВ

Ўрта Чирчиқ тумани

### ШУДРИНГ ТОМЧИСИ

Тонгги гул япроғига  
Бир зум қолдим тикилиб,  
Ундан менга боқарди  
Митта кўйшча кулиб.  
Марварид донасидай  
Ярқираб кўз олар у,  
Оқ дурнинг шодасидай,  
Бебаҳо ёқут, инжу.  
Шудринг томчиси-ку бу,  
Жилоларга лик тўлик.  
Худди қалбдаги орзу  
Ками мусаффо, тиниқ.

Рўхсора ТЎЛАБО ЕВА

## ВАТАН

Гўзал боғларингни сармаст кезайин,  
Умримни гулларинг билан безайин,  
Тупрогингни ўпиб, энтикиб майин,  
Меҳримни, ишқимни изҳор этайин,  
Қалбимга илҳомни бўйлатмоқ учун.

Кўксин нишон этган камон бўлойин,  
Кўзига санчилган пайкон бўлойин,  
Мағлуб айламоққа имкон бўлойин,  
Бало-қазоларга қалқон бўлойин,  
Фанимлардан сени асрамоқ учун.

Саҳронингда кўз ёшларим сув бўлсин,  
Боғларингда кулгуларим гул бўлсин,  
Кўшинингда икки чашмим нур бўлсин,  
Шерим осмонингда қушдек хур бўлсин,  
Сени дунёимда яшнатмоқ учун.

Нилуфар ЖАББОРОВА

Иштихон тумани "Уч қаҳрамон" ширкатлар ҳўжалиги раиси Дилмурод Хусановга отаси **Коракуллов Хусан отанинг** вафоти муносабати билан таъзия билдирамиз.

Бир ғуруҳ дўстлари

## Оила ва жамият

### БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Мақолада келтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Телефонлар:  
Бош муҳаррир -- 133-28-20  
Котибият -- 34-86-91

МАНЗИЛИМИЗ:  
Тошкент - 700000  
Амир Темур кўчаси,  
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.  
Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш вақти - 20.35  
Босишга топширилди - 21.15

ҲОМИЙ  
«Матбуот таркатувчи»  
акциядорлик жамияти

ОБУНА ИНДЕКСИ - { яқка обуначилар учун 176  
ташқилотлар учун 177

Рўйхатга олиш № 33  
Буюртма Г-116  
Формати А-3, ҳажми 2 босма тобoқ.  
Баҳоиси эркин нарҳда.  
Расоми — Н. ХОЛМУРОДОВ.  
Навбатчи — М. СОДИКОВ.